

**ЎЗБЕКИСТОН ФИСКАЛ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ  
КАМАЙТИРИШДАГИ АХАМИЯТИ**

**Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич**

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси хузуридаги*

*Фискал институти “Солиқлар ва солиққа тортиш”*

*кафедраси доценти (PhD)*

*ТЕЛ: 90-644-74-77*

**Аннотация.** Ушбу мақолада фискал сиёсат ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш муаммолари, солиқ ислохотларини амалиётга самарали жорий этиш, солиқлар тизимини соддалаштириш каби долзарб масалалари ва бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга хизмат қилувчи илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиёт, фискаль сиёсат, солиқ маъмурчилиги, солиқлар, солиққа тортиш.

**Аннотация.** В данной статье разработаны проблемы совершенствования фискальной политики и налогового администрирования, эффективного проведения налоговых реформ, упрощения налоговой системы, а также научные предложения и рекомендации, служащие изучению и использованию передового опыта зарубежных стран.

**Ключевые слова:** экономика, фискальная политика, налоговое администрирование, налоги, налогообложение.

**Annotation.** This article develops the problems of improving fiscal policy and tax administration, effectively implementing tax reforms, simplifying the tax system, as well as scientific proposals and recommendations that serve to study and use the best practices of foreign countries.

**Keywords:** economics, fiscal policy, tax administration, taxes, taxation.

### **Кириш**

Фискал сиёсат бир қанча асосий мақсадларга эга бўлиб, уларни макроиқтисодий ва микроиқтисодий деб ажратиш мумкин. Макроиқтисодий мақсадларга иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, ишсизликнинг камайиши, инфляция назорати ва барқарор макроиқтисодий муҳитни сақлаш киради. Микроиқтисодий мақсадлар эса, бу иқтисодиётнинг айрим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, даромадларни тақсимлаш ва тенгсизликни

камайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлашни айтиш мумкин.<sup>1</sup>

Демак, иқтисодий тартибга солишнинг асосий воситаларидан бири - бу фискал сиёсатдир. Фискал сиёсат - бу давлат органлари ва бошқа барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаси бўлиб, давлат томонидан маълум иқтисодий мақсадларга эришиш учун солиқлар, бюджет ва давлат харажатлари соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуидир.<sup>2</sup>

Бундай ўзаро ҳамжиҳатликка давлат буюртмалари, солиққа тортиш ва трансферт тўловлари тизими орқали эришилади. Маълумки, ҳар қандай Ҳукумат ўзининг фискаль сиёсатини олиб боради. Бундан кўзланган мақсадларга эришиш учун фискал сиёсатда бир нечта инструментлардан фойдаланилади, буларга Давлат харажатлари, солиқлар ва қарз олиш кабилар кирази. Фискал сиёсатнинг самарадорлиги эса - мўлжалланган мақсадларни тўғри белгилаш, фискал сиёсат инструментларни тўғри танлаш, харажатлар ва солиқларнинг мутаносиблиги, шунингдек, сиёсий барқарорлик ва самарали бошқарув каби бир қанча омилларга боғлиқ. Бундан ташқари, солиқ-бюджет сиёсатининг таъсири бошқа иқтисодий омиллар, масалан, ташқи таъсирлар, жаҳон хом ашё нархлари ёки халқаро молиявий шароитлар билан чекланиши мумкин.<sup>3</sup>

### Асосий қисим

Давлат харажатларини амалга ошириш давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни англатар экан, солиқлар эса бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаи бўлганлиги сабабли, солиқ-бюджет сиёсати давлат бюджетини манипуляция қилишдан иборат. Макроиқтисодий молиявий тартибга солиш борасида солиққа тортиш муҳим ўрин тутди. Шунинг учун давлат солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - бу амалдаги солиқ қонунчилиги ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда ундириш амалиётини такомиллаштиришдан иборат.<sup>4</sup>

Фискаль сиёсатни амалга ошириш борасидаги халқаро тажриба - давлат молиясини бошқаришга оид турлича ёндашувларни, шунингдек, бюджет барқарорлигига эришиш, бизнесга эркинлик ва ишбилармонлик муҳитини

<sup>1</sup> Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyot sharoitida davlat moliyaviy nazorati va uni takomillashtirish yo'nalishlari. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 248–259. <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2882> dan olindi

<sup>2</sup> Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iqtisodiyot sharoitida nazorat o'rganlari faolyatini yana takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 221–231. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2880> dan olindi

<sup>3</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). хуфиёна иқтисодийга курашиш жараёнида бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги хуфиёна иқтисодийга курашиш жараёнида бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги. World Scientific Research Journal, 21(1), 153–165. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2873>

<sup>4</sup> Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyotni kamaytirishda eksport-import operatsiyalarini takomillashtirish yo'llari. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 269–275. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2884> dan olindi

яратиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва бу мақсадларда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун турли воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади. Федерал давлатлар мисолида фискал сиёсатни амалга оширилиши жараёнида ҳам тўхталиб ўтамиз.<sup>5</sup>

Мисол тариқасида, Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) солиқ тизими ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакат 50 та алоҳида штат, Колумбия округи ва мамлакат пойтахти Вашингтондан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ички сиёсатини олиб боради. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатлари Самоа, Пуэрто-Рико ва бошқалар каби баъзи қўшимча юрисдикцияларни ўз ичига олади. Аммо АҚШнинг умумий фискаль тизими у ерда ишламайди.<sup>6</sup>

Қўшма Штатлар федерал давлат модели бўлганлиги сабабли, бюджет тўловлари бу ерда 3та даражада амалга оширилади: федерал даражада, штат даражасида ва муниципаль даражада. АҚШ фискал сиёсатининг асосий хусусияти давлат даражасида ҳар бир штат ўзининг солиқ тўловларини (яъни, мустақил солиқ сиёсатини) ўрнатиш имкониятига эга эканлигидир. Масалан, штатларда даромад солиғи савдодан олинадиган солиқ билан алмаштирилган ва ҳоказо. Мажбурий ижтимоий бадаллар тўловлари ҳам ходимлар, ҳам иш берувчилар томонидан амалга оширилади. Бюджет тўловларини йиғиш Молия вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланган Ички даромадлар хизмати (IRS) томонидан амалга оширилади.<sup>7</sup>

АҚШда солиқ сиёсатининг хусусиятларида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда амалдаги солиқ сиёсатига мувофиқ қуйидаги солиқлар мажбурий ҳисобланади:

- юридик шахслар ва даромад солиғи;
- мажбурий ижтимоий ажратмалар;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- ишсизликни бартараф этишга қаратилган солиқлар;
- меросхўрларнинг мол-мулкига солиқ;
- акциз солиғи;
- савдодан олинадиган солиқлар;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган солиқлар;
- божхона тўловлари;
- фойдали қазилмалар ва нефт маҳсулотларини қазиб олиш, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш учун белгиланган солиқлар.

<sup>5</sup> Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)

<sup>6</sup> Muxiddin Abdullaevich Qurbonov, & Ergashev Uyg'un Jabborovich. (2023). kameral soliq tekshiruvda inson omilini kamaytirishda smart texnologiyalardan foydalanish istiqbollari. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 260–268. <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2883> dan olindi

<sup>7</sup> Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). xufiyona iktisodiyotda eksport-importni soliqqa tortish tartibi. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 176–181. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2875> dan olindi

Давлат солиқ тизимининг бундай тузилиши кўп босқичли солиқ йиғиш тамойилини акс эттиради. Қўшма Штатларнинг молиявий сиёсати англо-саксон ҳуқуқий тизими ва мамлакатнинг тарихий анъаналарига асосланган кўплаб хусусиятларни ўз ичига олади. АҚШ солиқ тизимининг ижтимоий моҳиятини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Чунки, бундай ёндашув бугунги кунда дунёдаги энг ривожланган иқтисодиётлардан бирини барпо этиш ва маҳаллий аҳолисини юқори турмуш даражасини таъминлаш имконини берди<sup>8</sup>.

Ўзбекистонда халқаро тажрибани амалда қўллашдаги айрим муаммолардан бири бу ҳудудларда маҳаллий солиқ ва йиғимларни жорий этиш каби ваколатлар мавжуд эмаслиги, уларнинг мазкур тушумларни йиғишдан манфаатдорлиги паст даража эканлиги, бюджет жараёнидаги шаффофлик ва кенг жамоатчилик иштирокининг етарли эмаслигидир. Демак, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фискаль сиёсатни юритишда АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлар илғор тажрибасини шак-шубҳасиз мамлакатимизга, шу жумладан унинг ҳудудлари иқтисодиётини ривожлантириш учун тадбиқ этилиши лозим.<sup>9</sup>

Мамлакатимизда бюджет харажатларини ошиб бориши ёки камайиб кетиши ташқи савдо ҳажмига ялпи талабнинг ўсиши ёки қисқариши орқали ҳам таъсир қилади. Хусусан, давлат бюджет харажатларининг (трансфертлар билан биргаликда) ошиши ялпи талабни рағбатлантириши муқаррар. Ялпи талабни ўсиши эса, ўз навбатида, республикамизга импорт қилинган товарларга бўлган талаб ҳажмидаям ўсишга олиб келади. Мамлакатимизда охириги йилларда бюджет харажатлари мунтазам ошиб бораётгани кузатилди. Агар, ЯИМ даромад сифатида қарайдиган бўлсак, уни таркибидаги давлат харажатларининг ҳиссаси йилма-йил ортиб бормоқда экани бу фактдир. Рақамларга қарайдиган бўлсак, консолидациялашган бюджет харажатларининг ЯИМдаги улуши 2016 йилда 23,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 35 фоизга етганлигини кўриш мумкин<sup>10</sup>. Таъкидлаш жоизки, бу даврда бюджет дефицити ҳам муттасил ўсиб борган.

Яна бир масала, мамлакатимизда давлат маблағларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, шунингдек вилоятлар, шаҳар ва туман ҳудудларида сарфланиши тўғрисида маълумотларнинг етарли эмаслиги фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан ваколати доирасида назорат қилишни маълум даражада қийинлаштирмоқда. Бундан ташқари, бюджет

<sup>8</sup> <https://atton-consulting.com/ru/fiskalnaya-politika-strany-mezhdunarodnyy-opyt>

<sup>9</sup> Qurbonov Muxiddin Abdullaevich. (2023). davlat xaridlari jarayonlarini tashkil etishi va boshqarishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarni takomillashtirish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali, 16(1), 170–177. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2715> dan olindi

<sup>10</sup> <https://www.imf.org/en/News/Articles/2022/11/15/pr22385-imf-staff-concludes-visit-to-uzbekistan>

харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлиги бўйича аксарият ҳолларда давлат ва аҳоли ўртасида қайта алоқа механизми мавжуд эмаслигидир.<sup>11</sup>

Давлатимиз томонидан солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, ёшларни иш билан таъминлашдан корхона ва ташкилотларни солиқ воситасида рағбатлантириш борасида берилган энгилликларни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Биргина мисол, ижтимоий солиқ ставкалари оптималлаштирилиб 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши, айрим ижтимоий аҳамиятга эга корхоналарга пасайтирилган 7 ва 4,7 фоизли ссолиқ ставкаларини белгиланиши ва солиқ тўловлари механизмини такомиллаштириш борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 25 ёшгача бўлган ёшларни ишга олган корхоналарга улар 6 ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан тўланган ижтимоий солиқни еттинчи ойдан бошлаб қоплаб бериш амалиёти жорий этилган эди<sup>12</sup>. Иш берувчи корхоналарга ижтимоий солиқ суммаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан қоплаб берилмоқда. Бундан 9 мингдан зиёд корхона фойдаланди, уларга 150 миллиард сўмлик ижтимоий солиқ қайтарилди, 100 минг ёшлар бандлиги таъминланди.<sup>13</sup> Шу боис ушбу тажриба Президент фармони билан 2025 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди, лекин ижтимоий солиқни қайтаришни 2023 йил 1 майдан қўллаш белгиланди<sup>14</sup>. Бу ерда 2023 йилнинг январь - апрель ойлари учун фармонга мувофиқ 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун ижтимоий солиқ қайтариладиган меъёр мавжуд эмас. Лекин бу давр мобайнида [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) ва [my3.soliq.uz](http://my3.soliq.uz) сайтларида интерактив хизмат ишлаши натижасида ижтимоий солиқни қайтариш учун берилган аризалар қаноатлантирилган. Ҳукумат фискаль сиёсатни амалга оширишда ижтимоий йўналишдаги муаммоларни ҳал этишда солиқни рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиши маълум даражада самара бериши мумкинлигидан далолат беради.

## ХУЛОСАЛАР

1. Солиқ-бюджет сиёсатининг самарадорлиги турли омилларга боғлиқ эканидан келиб чиқиб, Ҳукумат томонидан пухта таҳлил ва бошқарув тизими амалга оширилиши лозим;

2. Давлатнинг ижтимоий йўналишдаги муаммолар ечимида солиқни рағбатлантирувчи функцияларидан фойдаланиш камровини янада ошириш лозим;

<sup>11</sup> Pardaev Fayzulla Gaffarovich, & Muxiddin Abdullaevich Qurbonov. (2023). istiqbolda qo'shilgan qiymat solig'i xisobini yuritishda avtomatlashtirilgan dashbordlardan samarali foydalanish. Jahon ilmiy tadqiqot jurnali , 21 (1), 189–196. <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2877> dan olindi

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.04.2021 йилдаги ПФ-6208-сон Фармони

<sup>13</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/11/fund/>

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2023 йилдаги ПФ-61-сон Фармони

3. Худудларни иқтисодий ривожлантириш мақсадида айрим маҳаллий солиқ ва йиғимларни мустақил жорий этиш каби ваколатлар бериш масаласини кўриб чиқиш (АҚШ штатлари тажрибаси).

4. Солиқ тизимини ривожланган давлатлардаги тизимлар моделларига яқинлаштириш орқали модернизация қилиш.

5. Бюджетда улуши кичик бўлган ва ҳажми эса уни ундириш харажатларидан унча фарқ қилмайдиган солиқларни бекор қилиш (бу жамятга солиқ солиш босимини бирмунча камайтиради).

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 21(1), 221–231. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2880>
2. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 248–259. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2882>
3. Муҳиддин Абдуллаевич Қурбонов, & Эргашев Уйғун Жабборович. (2023). КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИДА ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРИШДА СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 260–268. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2883>
4. Қурбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
5. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 176–181. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2875>
6. Пардаев Файзулла Ғаффарович, & Муҳиддин Абдуллаевич Қурбонов. (2023). ИСТИҚБОЛДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ХИСОБИНИ ЮРИТИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАШБОРДЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ. World Scientific Research Journal, 21(1), 189–196. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2877>
7. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 197–210. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2878>
8. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ КАМАЙТИРИШДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1),

- 269–275. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2884>
9. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТГА КУРАШИШ ЖАРАЁНИДА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 153–165. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2873>
  10. Файзиев, Ф. А. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ. Gospodarka i Innowacje., 42, 426-434. [https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32/article/view/2099](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32/article/view/2099)
  11. Асаналиевна, С. З. (2022). Факторы Устойчивого Развития Предприятий. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 3(4), 65-70. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/QSMX8>
  12. Rahimov M.Yu. (2013). An analysis of the financial condition of economic entities. Educational manual. -Т.: Finance.
  13. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2023). КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 232–247. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2881>
  14. Klichev, B. (2014). Бошқарув ҳисобида баҳо шакллантиришни такомиллаштириш масалалари. Молия, 2014(5), 10–15. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10522860>
  15. Қличев, Б. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. *Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar*, 4 (20)-сон, 170-175.
  16. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШҚИ АУДИТОРЛАР ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. World Scientific Research Journal, 16(1), 252–258. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2724>
  17. Қличев, Б. (2021). Хўжалик юритувчи субъектларда ишбилармонлик фаоллиги таҳлили. Ақтуар молия ва бухгалтерия ҳисоби, 1 (3)-сон, 1-9. Retrieved from <https://finance.tsue.uz/wp-content/uploads/2021/06/4.-Қличев-Б.pdf>
  18. Yakubov U. (2021). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND METHODOLOGY IN ORGANIZATION OF JOINT VENTURES. Эконмока и бизнес: теория и практика.. 4-2 (74). ISSN 2411 0450.
  19. Yakubov U. (2022). MODELING THE ANALYSIS OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY. Web of scientist: International scientific research journal ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 2
  20. Қличев, Б. (2021, ноябрь 19). Ички аудит хизмати фаолиятида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш масалалари. Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531234>

21. Ibragimov G. (2022). Digitalization of the economy of Uzbekistan: experience and prospects. *International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IJRESS)*, 12(05), 102-109. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-May2022.pdf>
22. Tulaev, M. (2021). МҲХС БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ: ТАЙЁРЛАШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ. *Архив научных исследований*.
23. Tulaev, M. (2019). Финансовая отчетность: на пути соответствия национальным и международным стандартам. *Архив научных исследований*, 1(1). извлечено от <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/723>
24. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
25. Tulayev M., Axmedov A. (2023). Balansning tarkibiy tuzilishi va unga ta'sir etuvchi omillar. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 8, 71-77
26. Ибрагимов, Г. А. (2023). ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ И ВОПРОСЫ БЕЗОПАСНОСТИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 68-73.
27. М.Ю.Рахимов. (2023). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 211–220. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2879>
28. Ibragimov, G. A. (2021). Business Analysis In The Digital Economy. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7), 4543–4549.
29. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
30. Tulayev M. (2023). Moliyaviy hisobotning halqaro standartlari bo'yicha moliyaviy hisobot: tayyorlash va avtomatlashtirish. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 6, 134 -138.
31. Samadova Nargiza Rasulovna. (2022). ANALYSIS OF INDICATORS REPRESENTING THE ECONOMIC POTENTIAL OF ECONOMIC ENTITIES AND ITS DISTINCTIVE FEATURES. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 3(11), 108-111. Retrieved from <https://www.scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/2960>
32. Yakubov Ulugbek. (2023). ISSUES OF ASSESSING THE JOINT ACTIVITY OF BUSINESS ENTITIES. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 14, 57–61. Retrieved from <https://ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/557>.
33. Якубов, У. (2023). КОРХОНАНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(4), 132–139. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/12603>.
34. Ibragimov G. (2022). Introduction of digital solutions to the economy of Uzbekistan: problems and solutions. *International Journal of Research in IT and*



- Management (IJRIM), 12(9), 34-39. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRIM2Sep22-Uzb-1.pdf>
35. Ibragimov G. (2022). Keeping records of imported goods while improving customs administration in Uzbekistan. *International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRFM)*, 12(11), 30-34. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM3Nov22-Uzb.pdf>
36. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 182–188. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2876>
37. Nargiza Samadova. (2023). INFORMATION SOURCES OF ECONOMIC COMPETENCE ANALYSIS OF ECONOMIC SUBJECTS AND THEIR CLASSIFICATION. *Academia Repository*, 4(12), 278–283. Retrieved from <https://academiarepo.org/index.php/1/article/view/290>
38. Tulaev, M. (2020). Учет корпоративных облигаций. *Архив научных исследований*, 1(25). извлечено от <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2783>
39. Ibragimov, G., & Yakubov, U. (2015). Agricultural Development in Uzbekistan. *SCIENTIFIC ENQUIRY IN THE CONTEMPORARY WORLD: THEORETICAL BASICS AND INNOVATIVE APPROACH*, 74. Retrieved from [https://bmpubgroup.com/assets/1\\_26\\_4\\_1.pdf#page=75](https://bmpubgroup.com/assets/1_26_4_1.pdf#page=75)
40. Gayratjon Ibragimov Artikovich. (2022). GLOBAL DIGITALIZATION AND THE PLACE OF UZBEKISTAN. IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6627529>
41. Ibragimov G. (2023). Problems of training financial analysts in the republic of Uzbekistan. *International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IJRESS)*, 13(06), 108-115. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS11June23-Uzb.pdf>
42. Sagdillayeva, Z. A. (2023). BUSINESS ANALYSIS IS A NEW DIRECTION OF ANALYTICAL WORK. *Intent Research Scientific Journal*, 2(6), 93-104.
43. Asanaliyeva, S. Z. (2022). ASSESSMENT OF THE FINANCIAL STABILITY OF THE ENTERPRISE. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 49(10). Retrieved from <https://johuns.net/index.php/publishing/454.pdf>
44. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2023). TAX POTENTIAL AS AN INDICATOR OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGION. *European Journal of Emerging Technology and Discoveries*, 1(8), 41–45. Retrieved from <https://europeanscience.org/index.php/1/article/view/305>
45. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2023). THEORETICAL APPROACHES TO THE CONCEPT OF "TAX POTENTIAL" AND METHODS OF ITS ASSESSMENT. *European Journal of Emerging Technology and Discoveries*, 1(8), 21–25. Retrieved from <https://europeanscience.org/index.php/1/article/view/302>
46. Султанов Махмуд Ахмедович. (2023). ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.

World Scientific Research Journal, 16(1), 163–169. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2714>

47. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.;“Iqtisod-Moliya”, 2013. -390 б.
48. Қличев, Б. (2021). Инновацион фаолиятда асосий воситалар таҳлилини ташкил этиш масалалари. Инновацион иқтисодиёт: муаммолар, таҳлил ва ривожланиш истикболлари. Қарши, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531216>
49. Sultanov, M. (2023). Features of Dividend Allocation and Taxation in Investment Funds of Uzbekistan. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892)*.
50. Қличев, Б. (2021, сентябрь 30). Меҳнат мотивациясида моддий рағбатлантириш таҳлили. Молия-банк тизимида илм-фан, таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда тошкент молия институтининг ўрни. Конференция материаллари тўплами, Тошкент, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531256>
51. Нурманов, У. А. (2022). ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУ ШАРОИТИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. "Экономика и туризм" *международный научно-инновационной журнал*, 4(6). Retrieved from <http://interjournal.uz/index.php/journals/article/view/82>
52. Нурманов, У. А. (2022). ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 5(2). Retrieved from <https://tadqiqot.uz/index.php/economy/article/view/4757>